

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

265 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 18 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 28 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги 512–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 19 апрелда эълон қилинган.

№ 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қайта ташкил этилиши натижасида аудиторлик ташкилотининг фаолияти тугатилганда, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган аудиторлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган аудиторлик ташкилотларида лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно».

3-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг учинчи қисмидаги** «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **59-моддадаги** «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **81-модданинг учинчи қисмидаги** «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **175-модда:**

биринчи қисмининг диспозицияси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқнинг ёки бошқа мажбурий тўловларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни, дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик»;

олтинчи қисмининг санкциясидаги «мансабдор шахсларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи қисмининг санкциясидаги «мансабдор шахсларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **263-модданинг:**

номидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар **«Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация

технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **1104-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товар белгисидан охириги беш йил давомида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича бекор қилиниши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги **1107¹-модда** билан тўлдирилсин:

«1107¹-модда. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг тугаши

Бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда:**

ўзбекча матнининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«санитария-эпидемиологик хулоса — озиқ-овқат маҳсулотининг ва

уни тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналарнинг санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат»;

русча матнининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«санитарно-эпидемиологическое заключение — документ, удостоверяющий соответствие пищевой продукции и оборудования, предназначенного для ее изготовления и использования, санитарным правилам, нормам и гигиеническим нормативам»;

2) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эл инвестициялари тўғрисида»**ги 609–I-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 179-модда, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) **12-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари ўзлари давлат рўйхатидан ўтказилган санада амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан беш йил ичида қўллашга ҳақлидир. Мазкур ҳуқуқ божхона тўловлари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловларга татбиқ этилмайди»;

тўртинчи — ўн бешинчи қисмлар тегишинча **бешинчи — ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Радиочастота спектри тўғрисида»**ги 725–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **9¹-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги 71–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 9, 245-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **20-модда:**

биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «қайта тузилган» деган сўзлар «ўзгартирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида фаолиятнинг айна бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар бўлмиш лицензиатлар қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади»;

учинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия қайта расмийлаштирилганда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартишлар киритади. Лицензияни қайта расмий-

лаштириш лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги, тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги аризани олган кундан ёки лицензиянинг амал қилишини лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Лицензияни қайта расмийлаштириш тартиби фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланади»;

2) **23-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно»;

3) **24-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «тўққизинчи» деган сўз «ўн биринчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **19-моддадаги** «Агентликнинг расмий ахборотномасида» деган сўзлар «Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **24-модда:**

биринчи қисмидаги «расмий ахборотномада» деган сўзлар «Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «расмий ахборотномада» деган сўзлар «Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **25-модда:**

учинчи қисмидаги «рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан исталган беш йил» деган сўзлар «амал қилган охириги беш йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисининг мазкур Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолда ишлатилиши товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далил ҳисоб-

ланади. Товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этиладиган, товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далиллар аризада кўрсатилган вақт даврига тааллуқли бўлиши керак»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **26-модда:**

иккинчи қисмидаги «Агентликнинг расмий ахборотномасида» деган сўзлар «Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмайди»;

5) **27-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товар белгисининг:

рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида, ишлаб чиқарилаётган, сотувга тақдим этилаётган, сотилаётган ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритилаётган ёхуд шу мақсадда сақланаётган ва (ёки) ташилаётган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг этикеткаларида, ўровларида;

товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларда;

домен номида ишлатилиши ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикеткаларида, ўровларида қонунга зид равишда фойдаланилганда улар сохталаштирилган бўлади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **32²-модданинг учинчи қисмидаги** «Агентликнинг расмий ахборотномасида» деган сўзлар «Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги 358–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 12, 467-модда; 2012 йил, № 4, 107-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

еттинчи қисмидаги «Қўшиб юбориш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётганда лицензияни қайта расмийлаштиришга қайта ташкил этилаётган суғурталовчиларда янгидан вужудга келган суғурталовчини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида лицензия мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган «**Микрокредит ташкилотлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–53-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 495-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **12-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Лицензияни қайта расмийлаштиришга янгидан вужудга келган микрокредит ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида лицензияси мавжуд бўлган микрокредит ташкилотлари қўшиб юборилган тақдирда йўл қўйилади»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган «**Солиқ маслаҳати тўғрисида**»ги ЎРҚ–55-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 497-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга оширувчи солиқ маслаҳатчилари тўғрисида ва солиқ маслаҳатчиларининг малака оширишдан ўтиши ҳақида ахборот тақдим этиши;

солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилиш қоидаларини белгилаши ва унга амал қилиши шарт. Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга доир талаблар миллий стандартлар билан белгиланади»;

2) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботни ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини миллий стандартларда белгиланган тартибда тақдим этади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган солиқ маслаҳати предмети ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва у ошкор қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботнинг ҳар бир саҳифаси солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси — солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш, солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги фикрини ўз ичига олувчи ёзма шаклда ифодаланган ҳужжатдир.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот асосида тузилади.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси солиқ маслаҳатчиси (солиқ маслаҳатчилари), солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланиши ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланиши керак»;

3) **17-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «икки мартадан кўп» деган сўзлар «икки марта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **329-модда** қуйидаги мазмундаги **41-банд** билан тўлдирилсин:

«41) тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда»;

2) **330-модда** қуйидаги мазмундаги **33-банд** билан тўлдирилсин:

«33) тадбиркорлик субъектлари — ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **13-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **биринчи қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг товарини холисона тасдиққа эга бўлган тавсифларни ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда товарнинг усунлиги ҳақида таассурот ҳосил қилувчи сўзлардан ёки белгилардан фойдаланиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) ўзга товари билан таққослаш ёхуд кўрсатилган сўзларни ёки белгиларни ўз ичига олган тасдиқлар ёлғон, ноаниқ бўлган ёки бузиб кўрсатилган ҳоллар нотўғри таққослашдир;

юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш;

товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан фуқаролик муомаласига киритиладиган товарни унинг ташқи безатилиши ва шаклини, номини, тамғаланишини, этикеткасини, ўровини, ранглар уйғунлигини, товар белгисини такрорлаш, реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш»;

2) **иккинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-341-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 332-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **23-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда айна бир ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжат мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно»;

2) **24-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айна бир ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжати мавжуд юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг ушбу модданинг биринчи қисмида белги-ланган тартибда қайта расмийлаштирилишига йўл қўйилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатдаги мавжуд маълумотлар ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилмаган ҳолларда ўзгарган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тадбиркорлик субъектининг тегишли хужжатлар илова қилинган аризаси бўйича амалга оширилади»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

265-модда

— 16 —

16 (776)-сон

ушбу Қонун ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

19-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 1-банди мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
ЎРҚ-429-сон